



## МУЛОҚОТДА НОВЕРБАЛ ВОСИТАЛАРДАН БИРЛАМЧИ (АСОСИЙ) ВОСИТАСИ ЎРНИДА ҚЎЛЛАШ МАСАЛАСИ

Қурбанов М.А

Ф.ф.ф.д. (PhD)

Андижон давлат университети

e-mail: adusifat@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5558810>

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-oktabr 2021

Ma'qullandi: 05- oktabr 2021

Chop etildi: 10- oktabr 2021

### KALIT SO'ZLAR

новербал мулоқот,  
вербал мулоқот,  
паралингвистик  
воситалар, нOVERBAL  
воситалар

### ANNOTATSIYA

Мазкур мақола нOVERBAL воситаларни мулоқотда мустақил маъно ва мазмун ифода этиб, вербал воситаларнинг имконияти чекланганда лингвистик жараён сифатида мулоқотда иккиламчи эмас, балки асосий алоқа воситаси ўрнида қўллаш мумкинлиги таҳлилига бағишланган. Натижада, нOVERBAL мулоқотнинг вербал мулоқотдан ўз устунлигини намойиш қилишга оид учта жараёни келтириб ўтилган.

Тил муайян жамиятнинг олами билиш, ахборот узатиш ва уни қабул қилиш билан боғлиқ эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қиладиган хос қуроли саналади. Ижтимоий эҳтиёжлар тилнинг хилма-хил вазифаларини белгилайди. Тилнинг содда ва айни пайтда ўта мураккаб бўлган мазкур вазифаларини амалга ошириш мунтазам бир-бирини тўлдириб турувчи икки хил механизм: вербал ва нOVERBAL мулоқот орқали амалга оширилади. Вербал мулоқот шахслар ўртасида асосий ахборот алмашинув воситаси ҳисобланади ва у сўзловчи нутқидаги маълумотни тингловчига осонлик билан етказиб бериш, қабул қилиш имкониятларини яратади. НOVERBAL мулоқот эса у ҳақдаги қўшимча маълумотларни илғаб олиш, берилаётган ахборотни тез, қулай,

равшан ва аниқ ифодалаш учун хизмат қилади. Нутқни юзага чиқарувчи марказий орган саналган тилга қўшимча равишда нOVERBAL мулоқот жараёнида инсон юзидаги табассум, имо-ишора, овоз оҳанги, гавда қисмлари, қўл ҳаракатлари ва бошқа усуллар орқали мулоқотдан кўзланган мақсадга батамом эришилади.

Жаҳон тилшунослигида нOVERBAL (паралингвистик) воситалар деярли барча тилларда етарли даражада ўрганилган бўлса-да, уларда нOVERBAL воситалар вербал воситаларга нисбатан асосан иккиламчи компонент сифатида қараб келинмоқда. Натижада нутқда вербал воситаларнинг имконияти чекланганда, нOVERBAL воситаларни бирламчи (мустақил) мулоқот воситаси ўрнида қўллаш масаласи назардан четда қолиб кетган, нOVERBAL воситаларнинг



структур тузилиши тугал ишлаб чиқилмаган, вербал ва новербал воситаларнинг ўзаро муносабатлари бир томонлама таснифланиб, новербал воситаларнинг лингвопрагматик, этнопсихологик, стилистик аспекти ва нутқда намоён бўлишининг грамматик жиҳатлари тадқиқ этилмаган. Масалан, кузатув тадқиқот натижаларига кўра, ЙХХБ назоратчиси чорраҳада ҳаракатланаётган бир ёки бараварига бир нечта автоуловларни хуштак чалиш, таёқчасини юқорига кўтариш ёки махсус белгиларни қўйиш орқали транспорт ҳаракатини оқилона бошқаришнинг уддасидан чиқиши мумкин. Бундай ўринда вербал мулоқотдан фойдаланишнинг умуман имконияти бўлмайди, бир вақтнинг ўзида бир неча ҳайдовчилар билан тенг коммуникацияга кириш имконияти ниҳоятда чекланган бўлади. Йўл белгиларининг ўрнига вербал воситалардан фойдаланиш ёки ҳайдовчи билан вербал мулоқот қилиш ҳайдовчилар учун мураккабликлар келтириб чиқарса, бошқа миллат вакиллари учун эса тушунмовчиликларга олиб келади ва ундаги сўзларни охиригача ўқиш учун тинимсиз тўхталишларга сабаб бўлиши мумкин.

## I. МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ

Мулоқотда новербал (паралингвистик) воситаларни тушуниб етиш, уларни ўзга тилларга ўгириш ёки хорижлик шахс билан мулоқотда уларнинг тўғри эквивалентидан фойдаланиш муаммолари ҳозирги кунга келиб, етарли даражада мукамал ўрганилмаган. Тўғри, айрим ҳолатларда

новербал воситалар вербал мулоқот билан умумий ёки унинг компоненти ўрнида ўрганилган, лекин бу билан новербал воситаларнинг мулоқотда тутган ўрнини ва мазмун-моҳиятини тўлиқ ўрганилган деб айтиб бўлмайди. Чунки муайян бир тилда қўлланилган вербал воситаларнинг иккинчи бир тил вакили томонидан тушунилиши қийин масала бўлиб, айтилаётган тилдаги новербал воситаларнинг лингвопрагматик жиҳатларини билиш талаб қилади.

Шунга кўра профессор А.Нурмонов бир тилдан иккинчи тилга маълум матнни ўгиришда фақат шу халқ (миллат) тилини билиш билан кифояланиб қолинмай, балки уларнинг ўзига хос муомала маданияти, имо-ишораларини билиш кераклигини таъкидлаган эди [4].

Ўзбек тилшунослигида лисоний ва нолисоний воситаларнинг қиёсий метод нуқтаи назаридан лингвопрагматик таҳлили профессор Ш.Сафаров томонидан ўрганилган. Унинг таъкидлашича, маъно структурасини икки ҳудуд ўртасида тақсимлаш ҳаракати бошланади ва маънонинг лисоний бўлаклари семантика, нолисоний бўлаклари эса прагматикага киритилади [7].

Усмонли турк тилшуноси Х.Балжи прагматика ижтимоий тузилишига кўра мулоқотда вербал ва новербал воситаларнинг фойдаланиш хусусиятини очиб, унинг қўллашдаги мақсад ва характерларини белгилаб беради [11], деб айтган.

Инглиззабон мамлакатларда новербал воситаларнинг



лингвопрагматик жиҳатлари ва белгилар тизимини тушуниб етишдаги муаммолари Ч.Моррис томонидан "Белгилар назариясининг асослари" (Foundations of the theory of signs) асарида ўрганилган [8].

Рус олимлари орасида А.Супруннинг изланишлари нутқда вербал ва новербал воситаларни ишлатишдаги жараёнларга ойдинлик киритган. Олим прагматика ва сигматика орқали сўзнинг ташқи (экстралингвистик) алоқаларини, семантика ва синтактика орқали эса унинг ички (интралингвистик) хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилган [9].

Кўринадик, новербал воситаларни тадқиқ қилиш барча тилларда катта қизиқишларга ва баҳсларга омил бўлмоқда. Сабаби бугунги глобаллашув жараёнларида, виртуал майдонда инсонлар юзма-юз эмас, балки масофадан туриб мулоқот қилиши устуворлик касб этмоқда, вербал воситаларга нисбатан новербал воситалардан унумли фойдаланиш қулайлик туғдирмоқда. Транспорт, логистика тизимларининг тараққий этиши ҳам миллатлараро имо-ишоралар тизимига жуда катта эҳтиёжни келтириб чиқармоқда. Айниқса, мамлакатда туризмнинг ривожланиши, сайёҳларнинг хорижий тилларни билмаганликлари учун маҳаллий аҳоли билан мулоқотга киришганда, вербал воситадан кўра кўпроқ имо-ишорадан фойдаланишни маъқул кўриши ҳам муаммони янада ўткирлаштирамоқда. Новербал воситалар вербал воситаларга нисбатан олдинги планга чиқиб бормоқда.

## II. ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Юқоридаги олимлар томонидан берилган илмий фикрлар ва назарий қарашлар ўзбек, усмонли турк, инглиз ва рус тилларида деярли бир-бирига яқин. Вербал ва новербал воситаларни лингвопрагматика доирасида ўрганиш ва таржима қилишдаги муаммолар барча тилларда бир хил кечмоқда. Масалан, мулоқотда новербал воситаларни таржима қилиш муаммолари ёки уни тўғри тушуниб етиш масаласи нафақат хорижликлар, балки бошқа ҳудудда яшовчи миллатимиз вакилларида ҳам қийинчиликлар туғдирмоқда. Уларга барча новербал мулоқот компонентлари қатори инсон гавда узвлари: бош, бўйин, елка, кўкрак, қўл ва оёқ иштирокида ҳосил қилинувчи новербал воситаларни киритиш мумкин. Мулоқотда қўлланиладиган мазкур турдаги новербал воситалар лингвопрагматик жиҳатларини намоён қилиб, турли вазиятларда турлича маъноларни англатиб келади.

Айтиш жоизки, "бадан тили", яъни гавда узвлари орасида кўпинча бош ҳаракатлари мустақил равишда, қолганлари асосан қўл билан биргаликда бажарилган ҳолда алоҳида мазмун касб этади. Шу боисдан қўл билан боғлиқ новербал воситалар мулоқотда энг кўп қўлланиладиган имо-ишора ҳаракати бўлиб, ундан ҳам мустақил тарзда фикр, ахборотни узатишда, ҳам гавданинг бошқа узвлари билан параллел қўллаш орқали новербал мулоқотни самарали ва тушунарли тарзда амалга оширишда кенг фойдаланилади.



Масалан:

Ўзбек тилида: Эллиқбоши оломонга қайрилиб, бир қўли билан шиш кўзларини яширган ҳолда, иккинчи қўлини мушт қилиб, дўқ урди [5];

Турк тилида: Müdür, eliyle beni gösterdi: – Beyefendi, siz sevabı seversiniz. Bu çocuk, bir Fransız mektebinden çıkmış [12];

Инглиз тилида: “That would be me,” said Algernon pleasantly, raising his hand [13];

Рус тилида: Сказав это, он вдруг, молча и с улыбкой, протянул руку сестре [2].

Берилган бадий асарларнинг матн парчаларида "бир қўли билан шиш кўзларини яширган, иккинчи қўлини мушт қилиб дўқ урди", "eliyle beni gösterdi", "raising his hand" ва "протянул руку сестре" каби қўл билан боғлиқ новербал воситалар нутқдаги лингвопрагматик, грамматик ва стилистик жиҳатларни очиб беришга хизмат қилмоқда.

Қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, инсон гавда узвлари билан боғлиқ кўплаб маъно ва мазмунни ифода этувчи новербал жараёнлар мавжуд. Уларга маълум бир касбга, ижтимоий гуруҳга ёки ҳудудга хос бўлган шахсларнинг жаргон ва шевага оид саломлашув, хайрлашув ва бошқа ижтимоий характерга эга ишора ҳаракатларини киритса бўлади. Бошқача қилиб айтганда, новербал (паралингвистик) воситалар мулоқотнинг вербал тури каби шева, жаргон, вульгаризм, киноя ва бошқалар каби ўзаро айрим гуруҳлар ўртасида, айнан бир миллат орасида ёки

географик ҳудуд жиҳатидан қўлланиши ва ҳақорат ёки кесатиш маъноларини ҳам англашиб, нутқда вербал воситаларнинг имконияти чекланганда унинг ўрнини компенсация қилиши мумкин. Чунки ҳар қандай имо-ишора ёки ҳаракатда аниқ бир маънони касб этиши ва тўғри ифодаланиши, албатта, мулоқот жараёни, ўртадаги вазият, коммуникантларнинг этнопсихологияси ва бошқа ташқи омиллар билан ҳам боғлиқ.

Шу боисдан, берилган назарий фикрлар ва мисоллар таҳлилларидан келиб чиқиб, паралингвистик (новербал) воситаларнинг лингвопрагматик, грамматик ва стилистик жиҳатларига кўра, қуйидаги гуруҳларга ажратишни таклиф қилмоқчимиз:

1. Паралингвистик диалект – мулоқотда маълум бир ҳудудга оид новербал воситалардан фойдаланиш ҳолати.

Масалан: Тошкентдан қайтишганда Чўлпоной онасига: "ул юрт урфида куёв ўғилга қўл узатиб кўришмак уят саналмиш экан" – деб танбеҳ берган эди [10];

2. Паралингвистик жаргон (арго) – мулоқотда маълум бир ижтимоий гуруҳга оид новербал воситалардан фойдаланиш ҳолати.

Масалан: – Дўстим, бугун тушликда оз-моз... – ҳамхона томоғи тагига намоишкорона чертиб қўйди. – А, топдимми? [14];

3. Паралингвистик профессионализм – мулоқотда маълум



бир касбга оид новербал воситалардан фойдаланиш ҳолати.

Масалан: ГАИ нозири ола таёқчасини кўтариб, машинани тўхташга ишора қилганда Ахтам: "Бошланди, уйга етиб боргунимизча, Фиманинг пулларини шуларга бўлиб берамиз" – деб минғирлаганда уйғониб кетди [10];

4. Паралингвистик неологизм (физиологик неологизм) – мулоқотда илк қўлланилган ва алоҳида мазмун касб этувчи новербал воситалардан фойдаланиш ҳолати.

Масалан: Европада ўйлаб топилган тирсакни тирсакка теккизиб саломлашиш ёшлар орасида оммавий тус олмоқда [15];

5. Паралингвистик архаизм – мулоқотда аввал қўлланилган новербал воситаларни истеъмолдан чиқиб кетиш ҳолати.

Масалан: Ҳа, турк ва мўғул ҳоқонларининг урф-одати шунақа эди. Ўзининг амир ёки бегими, элчими ё бўлмаса савдогарми, барибир хоннииг хузурига кирганда, тиз чўкиб тахт пойигача эмаклаб бориши ва хоннииг оёқларини ўпиши шарт эди [1];

6. Паралингвистик варваризм – мулоқотда бошқа тилдан кириб келган новербал воситалардан фойдаланиш ҳолати.

Масалан: Овруро одобига ўрганган бу хонадонда барча бир пайтда дастурхон атрофига ўтирар, таомланиш чоғи ўзаро гапирилмасди [10];

7. Паралингвистик вульгаризм – мулоқотда ҳақорат ёки таҳдид маъно

касб этувчи новербал воситалардан фойдаланиш ҳолати.

Масалан: Хона соҳиби кафти билан стол устини уриб-уриб қўйиб, Ахтамга ғазаб билан тикилди [10];

8. Паралингвистик эвфемизм – мулоқотда қўпол, салбий ёки кесатиш мазмунига эга вербал воситаларни юмшатиш ўрнида новербал воситалардан параллел фойдаланиш ҳолати.

Масалан: Тарзанга бу гаплар ёқмаса ҳам, ҳазилга буриш учун кулимсираб қаради [10];

9. Паралингвистик истиора – мулоқотда инсоннинг табиий эҳтиёжини новербал сигнал воситалари ўрнида фойдаланиш ҳолати.

Масалан: Саломларига алик олинмагач, довдираганларича Жамшидга ҳам савол, ҳам нажот назари билан қарашган эди, у "мен ҳеч нарса билмайман", дегандай нигоҳини олиб қочди [10];

10. Паралингвистик киноя – мулоқотда вербал воситаларга мантиқий қарама-қаршилик, пичинг, камситиш ёки менсимаслик ўрнида новербал воситалардан фойдаланиш ҳолати.

Масалан: Исроил ака лабини жийириб, кинояли бош ирғади: – Сеники "маъкул", опқочоғич [3];

11. Паралингвистик эпитет – мулоқотда тасвирланаётган инсон, нарса ёки ҳодисаларнинг маълум бир белги, сифат ва хусусияти ўрнида новербал сигнал воситалардан фойдаланиш ҳолати.



Масалан: Шу боис Жамшидга қариндошлиги бор йигитни танлаб, қошлари қалинлигига ишора қилиб, унга "Қорақош" деб лақаб берди [10];

12. Паралингвистик гипербола – мулоқотда тасвирланаётган инсон, нарса-предмет ёки ҳодисаларни бўрттириш ўрнида қўлланилган новербал воситалардан фойдаланиш ҳолати;

Масалан: Ғазабдан бағри ёнаётганини тез-тез нафас олиши ошкор этди [10];

13. Паралингвистик инверсия – мулоқотда вербал воситаларни яна ҳам таъсирчанлиги ва эмоционаллигини ошириш учун новербал воситаларни ноодатий ўринларда қўллаш ҳолати;

Масалан: Илоҳим шифосини берсин, – Манзура шундай деб қизининг пешонаси билан икки кўзини меҳр билан ўпди [10];

14. Паралингвистик синоним – мулоқотда айни бир хил маънога эга икки ёки ундан ортиқ вербал ва новербал воситалардан фойдаланиш ҳолати.

Масалан: Қайноғаси бармоғини тез-тез лабига теккизиб, хўллаб, пулларни эринмай санади [10];

15. Паралингвистик омоним – мулоқотда айни бир хил новербал воситаларни икки ёки ундан ортиқ маъноларни ифодалаш ҳолати.

Масалан: Ахтам билан Тарзан бир-бирига қараб олишди. Бирининг қарашида "Бунисига нима дейсан?" деган пичингли савол,

иккинчисиникида "Сен энди бир пас жим тур", деган маъно бор эди [10];

16. Паралингвистик антоним – мулоқотда қўлланилган новербал воситалар нутқдаги вербал воситаларга зидлик ўрнида фойдаланиш ҳолати.

Масалан: Заҳарли бу ҳазиллардан ғашлари келса-да, икковлари ҳам жилмайиб қўйиш билан тийилдилар [10];

17. Паралингвистик фразеологизм – мулоқотда икки ва ундан ортиқ имо-ишора ва ҳаракатлардан иборат новербал воситаларни параллел равишда қўллаш орқали бир маънони касб этиши ҳолати.

Масалан: Пешонаси тиришган, қошлари чимирилган Тарзан бу сохталикдан баттар ғашланиб, қўл учини бериб сўрашди [10];

18. Паралингвистик параллелизм – мулоқотда вербал воситаларнинг айни мазмунини такрорлаб келадиган новербал воситалардан параллел равишда фойдаланиш ҳолати.

Масалан: Бунинг хотинларнинг иримчилигига йўйиб, қўл силтади-да, "керак бўлса, ўзинг қўйиб беравер", деди [10];

19. Паралингвистик такрор – мулоқотда бир маънога эга имо-ишора ёки ҳаракатдан иборат новербал воситаларни қайта-қайта ёки бир неча бор такрорлаб фойдаланиш ҳолати.

Масалан: Эрининг уч-тўрт марта хўрсиниб, сўнг пушаймон бўлган одамнинг хаста овози билан "пулдан борми?" деб сўрашини, пулнинг дарагини эшитгач эса "иккинчи



ўйнамайман", деб қасам ичишини кутди [10];

20. Паралингвистик эллипс – мулоқотда маълум бир белги ёки имо-ишорани амалга ошириш билан бутун бир жумлани ифодаладиган новербал воситалардан фойдаланиш ҳолати.

Масалан: Афруза "бирон нимага тушундингизми, энди сўзлаш навбати сизга", дегандай Манзурага қараб қолди [10];

21. Паралингвистик градация – мулоқотда ишора ҳаракати орқали маълум бир нарсанинг санаб ўтилиши ёки тасвирланиши, унинг миқдорини ифодалаб турадиган (бармоқлар билан санаш, ҳар бир айтилган гапдан кейин столни чертиб санаш ва бошқ.) новербал воситалардан фойдаланиш ҳолати.

Масалан: – Шунақами? Ақлингга қойилман! – Асадбек шундай дегач, ўгирилиб, пичинг ўқини энди Жамшидга қаратди: – Эла-эла қилиб роса ақллиларни тўплагансан-а? [10].

Аслини олиб қаралганда, мазкур таснифлаш барча тиллар учун хос ва умумий характерга эга. Ўз навбатида, уларни яна ҳам кичик бўлимларга ажратиш ёки сафини кенгайтириш мумкин. Масалан, мулоқотда риторика, ономотопия, ритм ва бошқа фонетик-стилистик воситаларни ифода этиш новербал воситаларсиз амалга оширилмаслигини ҳам таъкидлаш жоиз. Айниқса, айрим вазиятларда нутқда лингвистик белгиларнинг имкониятлари чекланиб, айнан вербал воситаларнинг новербал мулоқот учун ёрдамчи компонент, яъни иккиламчи ва қўшимча ахборот бериш вазифасини

ўтаб келиши каби масалаларни киритса бўлади. Жумладан, нутқда тасвирий санъат, мусиқа, рақс санъати соф вербал ифодасини топа олмаганидай [6], турли давлатларнинг рамзларини ифодаловчи байроқ, герб, морзе, брайль ва семафор алфавитларида берилган новербал (паралингвистик) компонентларни вербал воситалар (сўз)нинг ўзи билан ифодалаб бўлмайди.

Олиб борилган тадқиқот натижаларимизга кўра, қуйидаги ҳолатларда новербал мулоқот вербал мулоқотдан ўз устунлигини намойиш қилиши аниқланган:

а) суҳбатдош ўз мақсади, фикр-мулоҳазалари ва ички ҳис-туйғуларини сўз билан етказа олишни уддалай олмаганда ёки имконияти чекланганда (тунги вақтда семафор алифбоси орқали мулоқотга киришиш ва бошқ.);

б) тингловчига қаратилган ахборот умумий ва доимий характерга эга бўлган ёки уни мунтазам равишда такрорлаб туриш имконияти чекланганда (йўл белгилари ёки огоҳлантирувчи сирена товушлари ва бошқ.);

в) вербал мулоқотда айтилган узатилиши лозим бўлган ахборотнинг эквиваленти йўқ бўлганда, уни новербал воситалардаги хусусиятига кўра вербаллаштириш орқали етказилганда (изоҳли луғатларда мавжуд бўлмаган тақлид сўзлар: банғиллоқ, ғурр; vak-vak; clor-clor; бдыць ва бошқ.).

Замонавий тилшунослик ютуқлари новербал воситаларни фақатгина вербал воситаларнинг зарурий компоненти эмас, балки



ахборотларни кодлаштириб етказиб бериш, декодлаш ва семиотик белгилар ёрдамида новербал мулоқотга киришиш воситаси сифатида талқин этилишини талаб этмоқда. Баъзи ҳолларда новербал воситаларсиз фикрлар яланғоч, мантиқий жиҳатидан тушунарсиз, психологик жиҳатидан нотўғри бўлиб қолади. НOVERBAL воситаларга тор ёндашилса, ҳам қўллаш, ҳам таъсир доирасига кўра у чеклангандек кўринади, аммо кенгроқ қаралса, унинг воситалари ва амалий таъсири ниҳоясиз эканига гувоҳ бўлиш мумкин. Шунга кўра, вербал воситалар инсонлар мулоқотида энг самарали восита бўлса-да, у айрим вазиятларда коммуникациянинг ягона гегемон мулоқот воситаси бўлиб хизмат қила олмайди.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, новербал воситалар

мулоқотда мустақил маъно ва мазмун ифода этиб, вербал воситаларнинг имконияти чекланганда лингвистик жараён сифатида мулоқотда иккиламчи эмас, балки асосий алоқа воситаси ўрнида қўлланилиши мумкин. Шу боисдан новербал воситаларнинг мулоқотда лингвопрагматик, лингвомаданий, стилистик ва грамматик жиҳатларни намоён этиши назарий ва амалий нуқтаи назардан тилшуносликнинг янги назарий фикрлар асосида ўрганиш талаб этилаётган йўналишларидан бири сифатида эътироф этсак бўлади. Ўйлаймизки, юқорида берилган назарий ёндашувимиз асосида келгусида новербал мулоқот (воситалар)да бошқа грамматик категорияларни ифодалаш мумкинлиги ёки сўз туркумларининг барча қирраларини мукамал ўрганиш билан боғлиқ янги изланишларга юз тутишига шубҳамиз йўқ.

## Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Аҳмедов Б. Амир Темур. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – 640 б.
2. Достоевский Ф. Преступление и наказание. –М.: АСТ, 2015. –672 с.
3. Мурод Мансур. Жудолик диёри. 2-китоб. –Т.: Шарқ, 2003. –560 б.
4. Нурмонов А. Ўзбек паралингвистик воситалари//Танланган асарлар. 1-жилд. –Т.: Академнашр, 2012. – 414 б.
5. Ойбек. Қутлуғ қон. Учинчи том. –Т.: Ғафур Ғулум номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969. –344 б.
6. Саидхонов М. Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. –Т.: Фан, 2008. – 83 б.
7. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. –Т.: Давлат илмий нашриёти, 2008, – 300 б.
8. Степанов Ю. Семиотика: антология. 2-изд. –Екатеринбург: "Деловая книга", 2001. – 702 с.
9. Супрун А. Методы изучения лексики. –Минск: БГУ, 2001. – 306 с.
10. Тоҳир Малик. Шайтанат. 5-китоб. –Т.: Шарқ, 2011. –640 б.
11. Balci H. Relation of Pragmatics and Grammar//International Journal of Languages // Education and Teaching. Vol. 5, Issue 4, 2017. – P. 556-566.
12. Güntekin R. Çalikuşu. –Istanbul: Inkilap Kitabevi Yayın Sanayi ve Ticaret AŞ, 2017. – 448 s.